

# **4-мавзу: ЕР ТУЗИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (4 соат)**

## **РЕЖА:**

- 1. Ер тузиш тушунчаси ва унинг моҳияти.**
- 2. Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан ер тузишниң ҳуқуқий асослари.**
- 3. Хўжаликлараро ер тузишниң ҳуқуқий асослари.**
- 4. Ички хўжалик ер тузишниң ҳуқуқий асослари**

# **4-мавзу. 1-маъруза: ЕР ТУЗИШНИНГ МОХИЯТИ (2 соат)**

**РЕЖА:**

- 1.Ер тузиш тушунчаси ва унинг моҳияти.**
- 2.Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан ер тузишнинг ҳуқуқий асослари.**

# Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Талабалар сони :90	4-Мавзу, 1-мавъу. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1. Ер тузиш тушунчаси ва унинг моҳияти. 2.Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан ер тузишнинг ҳуқуқий асослари
<b>Машғулотнинг мақсади: Ер тузишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.</b>	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
1.Ер тузиш тушунчаси ва унинг моҳияти тўғрисида тушунчани беради. 2.Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан ер тузишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунчани беради.	1.Ер тузиш тушунчаси ва унинг моҳияти тўғрисида тассавурга эга бўлади. 2.Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан ер тузишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида тассавурга эга бўлади.
Ўқитиши услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиши воситалари	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
Ўқитиши шакли	Фронтал, колектив иш,
Ўқитиши шарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.  2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.  Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.  2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.  3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар  Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар   Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласди. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.  3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар   Топшириқни ёзиб оладилар

# **МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР**

## **Асосий:**

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. **Land Law: Text, Cases, and Materials.** OUP Oxford, 2012
- 2.М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи..**Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан.** Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. **Ер ҳуқуқи.** Ўқув қўлланма.– Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. **Земельное право.**Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
- 6.Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.**Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
- 7.M.Mirzaabdullaeva, A.Muqitov, Z.Xafizova. **Yer huquqi**, О'кув оқо'llanma.- Т.:TIMI,2016.-196 b
- 8.**Земельное право:** Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

## **Қўшимча:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон,Т.:1998
2. Ер тузишнинг асосий Низоми

## **Интернет ресурслари**

1. <http://www.colibri.ru/>;
2. <http://www.Lex.uz>

## Үтилган мавзуни тақорлаш учун блиц-саволлар

1. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қачон вужудга келади?
2. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши учун қандай ер тузиш харакати асос бўлади?
3. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатилишига асос бўладиган холатлар қайси норматив-ҳуқукий ҳужжатда белгиланган?

# Ер тузиш тушунчаси қайси манбаларда берилган?


Ер тузиш тушунчаси Ўзбекистон Республикаси **Ер Кодексида**, **Ер тузишнинг асосий Низомида** ва соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган

Ер тузиш

ЕК 12-  
модда

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташқил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими

**ЕР  
КОДЕКСИННИГ  
12-МОДДАСИГА  
КҮРА ЕР ТУЗИШ  
ТАДБИРЛАРИ  
ТИЗИМИ**



**ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР**

**ТЕХНИК ТАДБИРЛАР**

**ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРЛАР**

**ҲУҚУҚИЙ ТАДБИРЛАР**

## **ЕР ТУЗИШНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ**

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига  
қатъий риоя қилиш

ердан фойдаланиш ва эгалик қилишнинг  
табиий қишлоқ хўжалик минтақаларига  
бўлинишини ҳисобга олиш

барча шаклдаги ердан фойдаланувчилар, ер  
ижарачилари, ер мулқдорларининг ер участкалари  
сифати ва жойлашган жойи бўйича турли хил бўлган  
ерларда хўжалик юритишнинг бир хил ва teng  
шароитларини таъминлаш

Ер участкаларининг миқдори (ўлчами), сифати,  
қиймат баҳоси ва жойлашган жойи бўйича ер  
солиғининг белгиланишини таъминлаш

ер ажратиб беришдан хўжалик юритувчи  
субъектларнинг кўрган зарари ва нобудгарчилиги  
ўрнини қоплаш бўйича маълумотларни йиғиш

## **ЕР ТУЗИШ ХАРАКАТЛАРИНИ ҚАЙСИ ОРГАН АМАЛГА ОШИРАДИ?**


Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий - иқтисодий қайта қуриш сиёсати натижасида ер муносабатларини такомиллаштиришга, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасини оширишга қаратилган шарт - шароитлар яратилди. “Ер кодекси” қоидаларини рўёбга чиқариш, ерга оид муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер ресурсларини бошқариш тартибини такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июлдаги ПФ 2059 - сонли фармонини** бажариш юзасидан Қишлоқ ва Сув Хўжалиги Вазирлигининг ер тузиш ва ерлардан фойдаланиш бошқармаси ҳамда ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси негизида **Ўзбекистон Республикаси Ер Ресурслари Давлат Қўмитаси** ташкил қилинди. Унинг асосий вазифаси давлатнинг ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишда кўмак бериш, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва ер конунчилигининг бошқа ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, давлат бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат бўлди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада Давлат  
Бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003  
йил 9 декабрдаги ПФ – 3358 - сонли фармонини бажариш юзасидан  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2004 йилнинг  
19 октябрида 483- сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер Ресурслари,  
геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси фаолиятини  
ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

**“Ергеодезкадастр”  
Давлат қўмитаси  
кандай  
вазифаларни  
бажаради?**

“Ергеодезкадастр” Давлат қўмитаси ерлардан  
фойдаланиш, ер тузиш, геодезия, картография  
ва давлат кадастри, кўчмас мулкка бўлган  
хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни  
тартибга солиш бўйича давлат бошқарув  
органи ҳисобланади

**ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР**  
**Давлат қўмитасининг**  
**вазифалари**







## **ЕР ТУЗИШ ТУРЛАРИНИНГ ФАРҚИ**

ер участкаларининг  
жойлашган ҳудуди  
бўйича

ер тузиш  
ишларини амалга  
oshiришга асос  
бўладиган юридик  
хужжат бўйича

хўжалик юритувчи  
субъектларга  
қаратилганилиги  
ёки  
қаратилмаганилиги  
бўйича

амалга ошириш  
муддати бўйича

**Амалга ошириш муддати бўйича**

истиқболга

Лойиҳа олди

Лойиҳадан сўнг

**хўжалик юритувчи субъектларга қаратилганлиги ёки  
қаратилмаганлиги**

қаратилганда

ХАЕТ

ХИЕТ

қаратилмагандан

Истиқболга  
мўлжалланган

Лойиҳа олди

## **ЕР ТУЗИШ ЖАРАЁНИ БЕЛГИЛАРИ**

ер тузишни ўтказиш тўғрисида ариза бериш

ер тузиш лойиҳасини тайёрлашга оид тайёргарлик ишлари


ер тузиш лойиҳасини тайёрлаш

ер тузиш лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан муаллифлик назоратини олиб бориш

**Ер тузиш  
жараёни**

**алоҳида ер тузиш ҳаракатларини бажаришнинг  
умумий тартиби**

## **Ер тузиш жараёни босқичлари**



ер тузиш ишлаб  
чиқариш ижтимоий  
усулиниң таркибий  
қисми ҳисобланади

ер тузиш иқтисодий  
ва ижтимоий  
ривожланишнинг  
ўзгарувчи талабларига  
мос равишда ўзгаради  
ва ривожланади

## ЕР ТУЗИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

ер тузишнинг мазмуни  
ва усуллари илмий  
асосда такомиллашиб  
боради

## **Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳаолди ер тузиш ишлари ўз ичига қандай харакатларни олади?**

ЕК  
12-  
мод-  
да

Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳаолди ошириладиган ер тузишга куйидагилар киради:

- 1) республика ва унинг минтакаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш хамда уларни муҳофаза килиш чизмаларини ишлаб чикиш;
- 2) туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чикиш;
- 3) тупрок унумдорлигини ошириш, ерлардан окилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза килиш билан бөглиқ истиқбол режаларини, республика микёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чикиш;
- 4) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш.

умумийлик

истиқболга  
мўлжалланган  
ва лойиҳалаш  
олдидан  
амалга  
ошириладиган  
ер тузиш

фарқлар

туманлар ва  
вилоятларнинг  
ер тузиш  
чизмалари

алоҳида  
муҳофаза  
этиладиган  
табиий  
ҳудудларнинг  
жойлашиши ва  
чегаралари  
белгиланишини  
асослаш билан  
боғлиқ бўлган  
тадбирлар


Истиқболга  
мўлжалланган  
ер тузишда ер  
ҳудудларда  
бажариладиган  
ер тузиш  
ишлари  
башорат  
қилинади

Лойиҳалаш  
олдидан  
бажариладиган  
ер тузиш ишида  
loyiҳalash  
ишлари  
мўлжалланади

## Таълим жараёнида қўлланиладиган интерфаол методлар

### ФИКР.МУЛОХАЗА.ИСБОТ

■ ФСМУ



- **Ф** – Фикрингизни баён этинг
- **С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- **М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- **У** – Фикрларингизни умумлаштиринг, хуносаланг

# **ФСМУ- ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Мавзу «Ер муносабатларининг вужудга келиши, ўзгариш  
ва бекор бўлишига нима асос бўлади?»**

<b>Ф</b>	<b>Фикрингизни баён қилинг</b>
<b>С</b>	<b>Сабабларини тушунтиринг</b>
<b>М</b>	<b>Мисол келтиринг</b>
<b>У</b>	<b>Барчасини умумлаштиринг ва умумий хуроса қилинг</b>

# **МУСТАКИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ**

**КАФЕДРА ТОМОНИДАН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН  
РАСМИЙЛАШТИРИШ ШАКЛЛАРИ:  
(максимал балл – 5 балл)**

- 1.РЕФЕРАТ (кўлда ёзилади, таркиби бўйича режа:  
кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган  
адабиётлар рўйхати) - 3 балл;**
- 2. ТАКДИМОТ (компьютерда бажарилади ва қо-  
зда чоп этилади, 12-15 слайд) - 4 балл;**
- 3. Мавзу бўйича макола (компьютерда терилади,  
4-5 варок) - 5 балл.**